



Иқтисодий ўсишга, аввало, рақобатдош
саноат занжирларини яратиш ҳамда бундай
лойиҳаларга инвестицияларни кўпайтириш
орқали эришилади.

Ш. Мирзиёев
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Лойиҳа ташкилотчиси:

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ

Тузувчи:

“ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази.

Тақризчилар:

Б.Б.Бобокулов – “Ўзсаноатқурилишматериаллари” уюшмаси бошқарув раисининг табиий пардозбоп тошлар ва бошқа топ маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш бўйича ўринбосари.

С.Р.Мажидов – Тошкент архитектура-қурилиш институти “Қурилиш материаллари ва кимё” кафедраси мудир, т.ф.ф.д, доцент.

Ушбу қўлланма

“Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ тухфаси ҳисобланади.

© “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ – 2021

© “ЎзқурилишматериалЛИТИ” МЧЖ – 2021



Ушбу қўлланма «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, ҳамда «ЎзқурилишматериалЛИТИ» МЧЖ илмий-тадқиқот ва инжиниринг маркази томонидан гранитдан тайёрланган плиткалар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ниятидаги тадбиркорлар учун амалий-услубий қўлланма мақсадида яратилди.

Амалий-услубий қўлланмадан фойдаланиб гранитдан тайёрланган плиткалар ишлаб чиқариш ҳақида умумий маълумот олиш, керак-

ли хом ашё турлари, мавжуд заҳиралар, ишлаб чиқариш технологиялари, сифат, меъёрий ҳужжатлар, ўлчов воситалари, иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари, экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири, техника хавфсизлиги, саноат санитария қоидалари, тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тижорат банкларидан кредит олиш тартиблари келтирилган.

Ушбу қўлланмадан фойдаланиб ўз бизнесингизни бошланг!

Сизга ёрдам берганимиздан миннатдормиз!



МУНДАРИЖА

Кириш	6
I. Гранит ҳақида умумий маълумот	12
1.1 Республикада гранитдан тайёрланган плиткалар ишлаб чиқариш истикболлари ва жаҳон тажрибаси	14
1.2 Гранитдан тайёрланган қурилиш материаллари турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари	18

1.3 Афзалликлари	24	VI. Экологик меъёрлар ва атроф муҳитга таъсири	54
1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда	26	6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар	56
II. Республика ҳудудларида мавжуд гранит заҳиралари	28	6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш	60
III. Гранитдан плиткалар ишлаб чиқариш технологияси	34	VII. Меҳнатни муҳофаза қилиш	62
IV. Сифат, меъёрий ҳужжатлар ва ўлчов воситалари	40	7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари	64
4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари	42	VIII. Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми	70
4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш	46	IX. Янги ташкил этилган тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш тартиби	72
4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги	48	Фойдаланилган адабиётлар	74
V. Самарадорлик кўрсаткичлари	50		

КИРИШ







Бунёдкорлик ишлари қий-
матининг **55-60 фоизини** қу-
рилиш материаллари ташкил
етиши, замонавий меъморчи-
лик янги, сифатли, арзон, енгил
ва зилзилабардош, инновацион

маҳсулотларни талаб қилиши
инобатга олинса, қурилиш ма-
териаллари ишлаб чиқариш
соҳаси тараққиёти ва аҳамия-
тини ҳис қилиш, англаш қийин
эмас.

Республикамизда ҳозирги кунда рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, шунингдек, қурилиш материаллари саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш юзасидан тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда тармоқни жадал ривожлантириш ва дивер-

сификация қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, маҳаллий минерал хом ашё ресурсларини қайта ишлашга инвестицияларни жалб қилиш ва бунинг натижасида қурилиш материалларини экспорт қилиш ҳажмларини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Умуман олганда, Ўзбекистонда қурилиш материаллари саноати ривожланиш учун жуда юқори салоҳиятга эга. Саноатнинг ўсиши ва ривожланишини қўллаб-қувватловчи омиллар




қаторида мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг умумий яхшиланишини, қурилиш, айниқса, уй-жой қурилишининг ўсишини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Таҳлилларга эътибор қара-
тадиган бўлсак, йилдан-йилга
табиий пардозбоп тошларни
ишлаб чиқариш ва уни нафақат
маҳаллий балки жаҳон бозори-
га етказиб бериш бўйича ишлар
йўлга қўйилган. Республикамиз-
да захираси етарли даражада
бўлсада 2021 йилнинг I чорагида
гранит тошлари 1.3 минг тонна-
дан 2.4 минг тоннага қарийиб
2 баробарига импорт миқдори
купайганлиги бу йуналишдаги
ишларимизни талаб даражаси-
да ташкил этилмаганлигидан
далолат беради.





І. ГРАНИТ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ





**1.1 Республикада гранитдан тайёранган
плиткалар ишлаб чиқариш истиқболлари
ва жаҳон тажрибаси**



Маълумотларга кўра, республика ҳудудларида 2020 йил 1 январь ҳолатига 110 та табиий пардозбоп тош конлари мавжуд бўлиб, уларнинг захираси – 129,6 млн. метр кубни ташкил қилади. Мамлакатимиз бўйича табиий пардозбоп тошларни қазиб олиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи 250 дан ортиқ корхоналар фаолият юритмоқда. 2020 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра Давлат геология қўмитаси томонидан жами 227 та, шундан қазиб олиш учун – 124 та, геологик жиҳатдан ўрганиш учун – 103 та лицензиялар берилган. 2020 йил январь-ноябрь ойларида 1,2 млн. долларлик 5,7 минг тонна табиий ва пардозбоп тошлар экспорт қилинган бўлса, 2019 йил қилинган экспорт ҳажмига нисбатан 1,2 баробарга ўсишга эришилди.

Таҳлилларга эътибор қарадиган бўлсак, йилдан-йилга табиий пардозбоп тошларни ишлаб чиқариш ва уни нафақат маҳаллий балки жаҳон бозори-

га етказиб бериш бўйича тизимли ишлар амалга оширилган. Жорий йилда ҳам ушбу йўналишда бир қатор инвестиция лойиҳаларини ишга тушириш кўзда тутилган.

Жумладан, 2020-2021 йилларда Навоий, Тошкент, Жиззах вилоятларида умумий қиймати 97,2 млн.доллар бўлган, йиллик қуввати **347,1 минг куб метр мрамр ва гранит тошларини** қазиб олиш, **2,6 млн.метр квадрат мрамр ва гранит плиталарини** қайта ишлаб чиқариш бўйича 23 та инвестиция лойиҳалари ишга туширилиши режалаштирилган.

Хусусан, 2020 йилда янги лойиҳаларни ишга тушиши натижасида янги конларни ўзлаштириш ҳисобига қўшимча 296,5 минг метр куб мрамр, гранит, габбро ва х.к лардан (блок) харсангларни қазиб олиш, 2,2 млн.метр квадратдан ортиқ ҳар хил турдаги плиталар ва меъморий маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватлари ошириш орқали 900 тадан ор-

тиқ янги иш ўринлари яратишга эришилди.

Янги қувватларни ишга тушириш натижасида экспортбоп харсанглар (блок) қазиб олиш ва янги турдаги маҳсулотлар (ҳар хил турдаги плиталар, балясина, перилла, бордюрлар, архитектуравий маҳсулотлар ва бошқалар) ишлаб чиқаришга эришилмоқда.

Шунингдек ҳосил бўлган чиқиндидан:

1. Мармар тош бўлақларидан композит коплама материаллар ишлаб чиқариш;

2. Табиий тошлардан маёлика ва мозаик плиткалар ишлаб чиқариш;

3. Гранит конларда ва ишлаб чиқаришда ҳосил бўлган чиқиндилардан брекча, шағал ишлаб чиқариш.

Республика ҳудудларида мавжуд бўлган 110 та табиий пардозбоп тош конларининг захираси – 129,6 млн. метр кубни ташкил қилади.

Шундан бугунги кунда:


Фойдаланилаётган – 61,5 млн.метр куб (47 фоиз);

Фойдаланилмаётган – 68,1 млн.метр куб (53 фоиз).

Жаҳон миқёсида Португалия, Болгария, Франция, Испания, Италия, Финляндия, Швеция, Германия, Буюк Британия мамлакатларида гранитнинг йирик конлари мавжуд.

Ушбу мамлакатлар орасида, гранит асосидаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўринда турадиган Италияни алоҳида таъкидлаш мумкин. Ушбу қуёшли мамлакатдаги конлар асосан Сардиния оролида жойлашган. У ерда «роса нуле», «лимбара», «сардо роса», «роса фиорита каби ҳашаматли оч пушти навлари қазиб олинади. Шунингдек, Сардинияда «григио перлато» каби оч кулранг турлари қазиб олинади.

Буюк Британиянинг жануби-ғарбий қирғоғида кулранг порфиритик гранит конлари мавжуд. Испания жуда катта конлар гуруҳига эга ва уни турли мамлакатларга кенг экспорт қилмоқда. Испанияда гранит Понтеведре ва Бадахосе про-



винцияларида қазиб олинади ва тайёр қурилиш материалларига айлантирилади. Юқори декоратив навлар - оч кулранг «бланко перла» ва «бланко пла-та» алоҳида аҳамиятга эга ва машхур ҳисобланади.

Финляндия гранит блоклари ва ундан тайёрланган қурилиш материалларининг энг йирик экспортчиси ҳисобланади. Экс-

портнинг йиллик ҳажми 70-80 минг м³ ни ташкил этади.

Хитой катта гранит захира-ларига эга, бу мамлакатда гра-нитнинг аниқланган захирала-ри ҳажми 50 миллиард м³ дан ортиқ. Гранитни қазиб олиш ва ундан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш мамлакатнинг 27 провинциясида амалга оши-рилади.

1.2. Гранитдан тайёрланган қурилиш материаллари турлари, ўлчамлари, физик-механик кўрсаткичлари



Девор ва пол турли услубларда чиройли кўринишга келтириш ёки безаш ҳар қандай бионинг интерьер ҳамда экстерьер қисми учун долзарбдир. Гранитдан тайёрланган зинаполлар ва устунлар, дераза тоқчалари, деворлар, пешайвонлар, устунлар, балконлар, ўтириш учун жойлар, фавворалар турар жой биноларини қуриш, умуман олганда қурилиш соҳасининг ажралмас бўлагига айланган десак муболаға бўлмайди.

Гранитдан тайёрланган мустаҳкам ва ташқи таъсирларга бардошли плиткалар ёрдамида деворларни қоплаш мумкин. Гранит плиткалари билан қопланган деворлар жазирама ёзда совуқни мукамал ушлаб туради, қишда эса совуқ киришига қаршилик кўрсатади. Ушбу материалдан радиоактив нурларга чидамли омборхоналар ва бинолар қуриш мумкин, чунки бу материал радиация ва ҳар қандай кимёвий моддалар таъ-

сирига бардошли ҳисобланиб, уларга фаол қаршилик кўрсатади ҳамда бино ички қисмига киришига таъсир қилади.

Деворларни қоплаш учун мўлжалланган плиткаларни ишлаб чиқариш учун кўпинча гранитоидлар, яъни бошқа табиий материаллар қўшилган гранит ишлатилади. Бундай уй ўзининг ноёб гўзаллиги билан ажралиб туради. Ушбу уй кўп йиллар давомида ўз эгасига хизмат қилиши мумкин ва унинг гўзаллиги ўз қийматини йўқотмайди. Чунки гранитга шамол ва ёгингарчиликлар ўз таъсирини ўтказмайди ва уни оддий сув билан тозалаш ёки гранит юзасига зарар етказа олмайдиган ювиш воситаларидан фойдаланган ҳолда асраш осон. Ушбу турдаги қурилиш материаллари кўплаб мамлакатларда машҳурдир, чунки бу асосдаги уйлар ва пойдеворлар ҳар доим ишончли эканлигини кафолатлаган. Гранит ҳар доим қадрланган ва

қадрланади, чунки ушбу материал табиатнинг ўзи томонидан инъом этилган ва у ҳар қандай биноларга нафосат қўшади.

Гранитдан тайёрланган плиткаларнинг ўлчамлари

Қўллаш усуллариغا кўра гранитдан тайёрланган плиталар стандарт талабларига кўра қуйидаги ўлчамларда кесилиши ва тайёрланиши мумкин. Булар: узунлиги 150 мм дан 1500 мм гача, кенглиги 150 мм дан 1200 мм гача, қалинлиги 5 мм дан 60 мм гача.

Аммо истемолчи талабларига мувофиқ гранитдан тайёрланган плиталар улар хоҳлаган ўлчамларда тайёрланиши мумкин. Гранитдан тайёрланадиган плиталар қуйидаги турларга бўлади:

1. Модулли плиткалар – квадрат нисбатда 1:1,5 ва 1:2 бўлган квадрат ёки тўртбурчаклар шаклдаги стандарт тарзда тайёрланади. Модулли плиткалар

8 – 20 мм қалинликда: 300х300, 305х305, 300х450, 300х600, 305х610, 600х600, 610х610 ўлчамларда ишлаб чиқарилади.

2. Қалин плиталар - тўртбурчак ёки ҳар хил шаклдаги, маълум ҳажмгача қисман ёки тўлиқ қайта ишланган ҳолда ишлаб чиқарилиши мумкин. Плитканинг ўлчамлари миллиметрда, узунлиги -700 дан 2800 гача, кенглиги - 700 дан 1500 гача, қалинлиги - 40 дан 150 гача ўлчамларда бўлади.

3. Кичик ўлчамдаги плиткалар - тошни қайта ишлаш чиқиндиларидан олинган (тахминан) тўртбурчаклар ёки ҳар хил шаклидаги маҳсулотлар. Плитанинг ўлчамлари миллиметрда, узунлиги 150-600, кенглиги 50-150, қалинлиги 5-20 гача ўлчамларда бўлади.

Гранитнинг кўрсаткичлари

Зичлик - бу модданинг бирлик ҳажмининг массаси. Маҳсу-

лотнинг оғирлиги зичликка боғлиқ. Гранитнинг зичлиги унинг минерал таркибига ва тошнинг ғоваклилигига боғлиқ. Зичлиги бўйича гранит қуйидагиларга бўлинади:

1. Енгил (зичлиги 2200 кг/м^3 гача);

2. Оғир (зичлиги 2200 кг/м^3 дан юқори).

Ғоваклилик, гранит тошнинг

бутун ҳажмига нисбатан ғовак ҳажмининг фоиз нисбати сифатида аниқланади.

Ғоваклик, шунингдек, гранит тошнинг энг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, ундан тайёрланган буюмнинг чидамлилигининг асосий кўрсаткичидир. Сувнинг сингиши, туз ва кислотага чидамлилиги ғоваклилигига боғлиқ. Яъни,



улар материалнинг чидамли-
лигига таъсир қилади. Бундан
ташқари, умумий ғоваклилик
мустаҳкамлик ва эластик пара-
метрларини, иссиқлик ўтказув-
чанлигини, силлиқланувчан-
лигини, декоратив эффектини,
тошнинг турли боғловчиларга
ёпишишини ва бошқа сифат
кўрсаткичларини белгилайди.

Умумий ғоваклиликнинг
ошиши билан мустаҳкамлик ху-
сусиятлари, тоғ жинсларининг
эластиклиги, масса зичлиги
пасаяди, материалнинг сил-
лиқланиши ёмонлашади, лекин
маҳсулотнинг оғирлиги ҳам
пасаяди ва тошнинг ишчанлиги
яхшиланади

Гранитнинг ўртача ғовакли-
лик кўрсаткичи ($5\% < \rho_o < 20\%$).

Сувни ютиш тошнинг ҳа-
жмини сув билан тўлдириш
даражасини билдиради. Сув
билан тўйинган тош намунаси-
нинг массасини мутлақо қуруқ
ҳолатда унинг массасига фоиз
нисбати сифатида аниқланади.

Жило бериш - бу ғоваклик-
ка боғлиқ бўлган муҳим сифат.
Олимлар баъзида - бу матери-
алнинг «якуний порлаши» деб
таъкидлашади. Тош юзаларини
силлиқлаш маҳсулотнинг чи-
дамлилигини оширади ва тош-
нинг декоратив хусусиятлари-
ни очиб беради. Жилоланган
юзанинг каттароқ чидамлилиги
сув зарраларини юзага камроқ
ёпишиши туфайли эришилади,
бу эса маҳсулотнинг сувга син-
гишини камайтиради.





1.3 Афзалликлари



Табиий хом ашёнинг ўзига хос хусусиятлари бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмларини қоплаш учун энг мақбул ечим ҳисобланади. Гранит бундай ижобий хусусиятларга эга табиий тош ҳисобланади. Замонавий қурилишда гранитдан тайёрланган плиткалар бошқа турдаги плиткалардан афзалликлари туфайли кенг фойдаланилиб келинмоқда.

АФЗАЛЛИКЛАРИ

1. Эстетик жозибадорлик.

Юқорида айтиб ўтилганидек, табиий гранитдан тайёрланган пардозлаш материаллари бино ва иншоотларга ўзига хос жозоба ва чирой бағишлайди.

2. Универсаллик. Бино ва иншоотларни қуришда гранит плиткалари ва гранитдан тайёрланган қурилиш материалларидан фойдаланиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмаган. Сув билан тозалаш ёки гранит юзасига зарар етказмайдиган ювиш воситаларидан фойдаланган ҳолда

ишлов бериш натижасида ҳар йили янгидек кўриниш бериб туради.

3. Мустаҳкамлик. Гранит ўзига тушадиган кундалик юк-ламаларга бардошли ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич плиткалари учун жуда муҳимдир. Гранитнинг мустаҳкамлик кўрсаткичи ҳамма учун таниш бўлган мраммарнинг мустаҳкамлигидан деярли икки баравар юқоридир.

4. Фойдаланиш муддати.

Ушбу материалнинг чидамлилиги ажойибдир. Юқори сифатли материал бир неча асрлар давомида хизмат қилиши мумкин. Гранит плиткаларига тўғри ишлов берилган тақдирда гранитдан фойдаланиш муддати тахминан 400-500 йилни ташкил этиши мумкин.

5. Табиийлик. Табиий келиб чиқиши туфайли гранит бутунлай экологик тоза материалдир. Материал ўзидан инсон саломатлиги ва атроф муҳит учун хавfli микроэлементларни чиқармайди.

1.4 Ишлаб чиқариш ҳолати рақамларда



2016 йилда табиий пардозбоп тошларга бўлган талаб 1 356,3 минг тоннани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 871,1 минг тоннани ташкил этган (таъминланганлик даражаси 64%).

2020 йилга келиб юқоридаги барча рақамларда ўсиш кўрсаткичлари юз берган. Хусусан, 2020 йилда табиий пардозбоп тошларга бўлган талаб 2 040,0 минг тоннани, ишлаб чиқариш ҳажми эса 2 069,0 минг тоннани ташкил этган (таъминланганлик даражаси 101 %).

Амалда 2016 йилда умумий қиймати 49,6 млрд сўмлик 21,4 минг тонна мрамор, травертин ва гранит маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, ушбу рақамлар 2021 йилда 217,8 млрд сўмлик 100,0 минг тонна, 2026 йилда 572,4 млрд сўмлик 270,0 минг тоннани ташкил этиши режалаштирилмоқда.

2026 йилга келиб табиий пардозбоп тошлар билан таъминланганлик 108 % ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда (2020 йилга нисбатан 1,1 баробар).

2020 йилда 0,1 млн тонна та-

биий пардозбоп тошлар импорт қилинган бўлса, 2026 йилга келиб ички талаб қопланиши натижасида 0,5 млн тонна маҳсулот экспорт қилинади.

Юқори қўшилган қийматли маҳсулот бўлган табиий ва сунъий тошлар экспорт кўрсаткичи 2021 йилда 4 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 14 млн АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Умумий олганда, 2021 йилда республикада барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кўрсаткичи 24,2 трлн сўмни, 2026 йилда эса 41,5 трлн сўмни ташкил этиши режалаштирилган. Экспорт эса 2021 йилда 270 млн АҚШ доллари, 2026 йилга келиб эса 505 млн АҚШ долларига етказилиши прогноз қилинмоқда.

Шу билан бирга, соҳага жалб этилаётган инвестициялар миқдори 2021 йилда 1 610,0 млн АҚШ доллари, 2026 йилда 2 250,0 млн АҚШ долларини, маҳаллийлаштириш кўрсаткичлари эса 2021 йилда 905,1 млрд сўмни, 2026 йилга келиб эса 1 550,0 млрд сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

II. РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИДА МАВЖУД ГРАНИТ ЗАҲИРАЛАРИ



Гранит конлари республикамизнинг Навоий, Самарқанд, Қашқадарё, Қорақалпоғистон, Бухоро, Тошкент ва Наманган вилоятларида жойлашган.

Бугунги кунда саноатда ўзлаштириш учун долзарб аҳамиятга эга бўлган, жами фойдаланилмаётган 17 та қуйидаги конлар мавжуд.


Номи ва жойлашуви	Захи-раси	Туси	Туман	Вилоят
Актауское (1977) 40 км к СЗ г.Беруни, 10 км ЮВ ж.д.ст.Караузяк	1803,2	Кулранг ўрта донали (Гранодиорит для блоков)	Беруний	Республика Каракалпакстан
Казгансай (2000) 35 км ЮВ п. Джангельды	303	Кулранг, тўқ кулранг, ўрта донали	Пешку	Бухоро
Тозбула II (уч.1) (1998) 12 км ЮВ пос.Учкудук	537	Кулранг, тўқ кулранг, ўрта донали	Пешку	Бухоро
Тозбулакское (1989) 180 км СЗ г.Бухара	6448	Кулранг, тўқ кулранг, ўрта донали	Пешку	Бухоро
Курасайское (1982) 45 км СЗ ж.д.ст.Акташ	507,4	Кулранг, пушти-кулранг, ўрта донали	Хатирчи	Навоий

Номи ва жойлашуви	Захи-раси	Туси	Туман	Вилоят
Лянгар III 6 км СВ п. Лянгар	463,3		Нурота	Навоий
Азлар-Тальское (1991) 2 км СВ пос. Лянгар	1139,7	Оч кулранг, пушти-кулранг, ўрта донали	Хатирчи	Навоий
Лянгар II 3 км ЮЮВ пос.Лянгар	509,5		Нурота	Навоий
Лянгарское (1980) 68 км С ж..д.ст. Акташ (Зирабу- лак)	2386	Кулранг, ўрта донали	Нурота	Навоий
Гурмакское (1967) 45 км Ю г. Самарканд	585	Гранодиорит оч кулранг, пушти- кулранг, майда донали	Ургут	Самар- канд
Зарабагское (1979) 35 км ЮЗ г. Шерабад	2560,2	Гранит пушти, урта донали. Габбро кулранг, яшил-кулранг, ўрта донали	Шеробод	Сурхан- дарё

Номи ва жойлашуви	Захи- раси	Туси	Туман	Вилоят
Беляуты I (1992) 12 км ЮВ пос. Красногорский	2409,6	Габбро оч кулранг, кулранг-кора, ўрта донали	Охонгарон	Тошкент вил.
Акчинское (1966) 1-2 км СЗ ж.д.ст. Акча	1063	Габбро кулранг-кора, ўрта донали	Охонгарон	Тошкент вил.
Беляуты II Участок Вос- точный 10 км ЮВ пос. Красногорский	324	Габбро тук-кулранг, кора, майда донали	Охонгарон	Тошкент вил.
Беляуты III 10 км ЮВ пос. Красногорский	276	Габбро тук-кулранг, кора, майда донали	Охонгарон	Тошкент вил.
Шавазсайское (1971) 20 км СВ ж.д.ст. Карахтай	1176,4	Гранодиорит	Охонгарон	Тошкент вил.
Шавазсайское (1994) 25 км СВ г.Ахангаран	1957,8	Габбро	Охонгарон	Тошкент вил.



III. ГРАНИТДАН ПЛИТКАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ





Табиий пардозбоп тошлар курилиш соҳасида кенг қўлланади, чунки улар бир қатор ижобий хусусияларга эга. Ушбу жабҳада гранитга алоҳида эътибор бериш лозим. Ушбу тош юқори мутаҳкамликка, сувга ва совуққа чидамлилиқ кўрсаткичларига эга ҳисобланади.

Ҳозир гранитдан турли хил плиткалар ишлаб чиқариш технологиясини қисқача баён қиламиз.

1-Босқич. Дастлаб гранит карьернинг асосий қисмидан гранит тоши қазиб олинади ва қазиб олинган қатлам қисмларга бўлинади. Одатда материални олиш кўпинча махсус олмосли арралар ёрдамида амалга оширилади.

Гранитни блокларга ажратиш ҳам ушбу турдаги техника ёрдамида бажарилади. Бундан ташқари, тошни ажратиш учун гидроклин ишлатилади. Маҳсулотларни гранит плиткалари ишлаб чиқариш майдончасига ташиш темир йўл ёки юк машиналарида амалга оширилади.

2-Босқич. Ушбу босқичда олинган блокларни кесиш ишлари турли усуллар билан амалга оширилади. Кўпинча бунинг учун битта ва кўп симли машиналар, шунингдек, дисклар билан жиҳозланган ускуналар қўлланилади. Ушбу машиналар дискларининг диаметри уч ярим метрга етиши мумкин, шунинг учун катта блокли гранит тошларини муаммосиз қайта ишлаш мумкин.

3-Босқич. Ушбу босқичда гранит маҳсулотининг олд томони қайта ишланади. Бу ишлов бериш жараёни бўлиб, гранит устаси тошнинг юқори қатламининг кичик қисмини силлиқлаш йўли билан олиб ташлайди. Олиб ташланган устки қисм туфайли гранитдаги чизиклар, ҳар хил турдаги кераксиз минераллар силлиқланиш натижасида йўқотилади. Ушбу жараёнда қуйида расмда келтирилган олмосли силлиқлаш тошлари асосий ишни бажаради. Мижознинг талабларига қараб, ярим тайёр маҳсулот-

ларга жило бериш ишлари ўтказилади. Амалга оширилган ишларнинг ҳар бир босқичида материалларни ташиш жараёнини осонлаштирадиган маҳсус юклаш ускуналари мавжудлигини алоҳида аҳамият касб этади.

4-Босқич. Олд юзаси қайта ишланган тайёр ярим тайёр маҳсулотлар керакли шакли ва ўлчамдаги плиткалар кесилади.

Шундай қилиб, сиз нафақат гранит плиткаларни, балки, дераза токчалари, ошхона мебеллари учун устунчалар ва шу каби бошқа маҳсулотларни

ишлаб чиқаришингиз мумкин. Тайёр маҳсулотлар қадоқлаш бўлимига етказиб берилади.

Бу ерда плиткалар юзаси тозаланади ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати текширилади. Шундан сўнг, маҳсулотлар плёнка билан қадоқланади ва поддонларга ёки маҳсус қутиларга жойлаштирилади.

Шундай қилиб, гранит плиткалар тайёрлаш жараёни бирмунча мураккаб. Сифатли маҳсулотларни яратиш учун юқори сифатли, ишончли ускуналар талаб қилинади.



**Гранитдан плиткалар
ишлаб чиқариш технологик
линияларининг дастлабки
нархлари**

1. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган **HLQY-2300 multi-blade** мармар кесиш ускунаси. Дастлабки нархи – 31 000 АҚШ доллари.

2. Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган **GJHY-3015 multi-blade** мармар кесиш ускунаси. Дастлабки нархи – 35 000 АҚШ доллари.

Ушбу ускуналар орқали гранитдан плитка ишлаб чиқариш технологияси ишга туширилиши натижасида **10-15 нафар янги иш ўрни** яратилиши мумкин.





IV. СИФАТ, МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА ЎЛЧОВ ВОСИТАЛАРИ



4.1 Стандарт ва сифат кўрсаткичлари



Ўзбекистон Республикасининг "Стандартлаштириш тўғрисида"ги Қонунига асосан барча маҳсулот ва хизматлар тегишли тартибда стандартлар асосида ишлаб чиқарилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Шунинг учун гранитдан тайёрланган плиткалар белгиланган стандарт талаблари доирасида ишлаб чиқарилиши зарур. Ушбу стандартларни Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузури-

даги Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлигининг Стандартлар институтидан сотиб олиш мумкин.

Норматив ҳужжатларда гранитдан тайёрланган плиткаларни ишлаб чиқариш, уларни сақлаш, хом ашёни танлаш, хом ашё таркибида саноат чиқиндиларидан фойдаланиш тартиби, маҳсулотни ташиш даврий сифат кўрсаткичларини текшириб бориш каби талаб ва тавсиялар келтирилади.

Гранитдан тайёрланган плиткаларни ишлаб чиқариш ва у билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш учун зарур стандартлар:

Стандарт рақами	Стандарт номи
ГОСТ 9479-2011	Қоплаш, меъморий-қурилиш, ёдгорлик ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун тошлардан блоклар. Техник шартлар.
ГОСТ 32018-2012	Табиий тошдан ясалган йўл қурилиши материаллари. Техник шартлар.
ГОСТ 9480-2012	Табиий пардозбоп тошлар. Техник шартлар.
ГОСТ 23342-2012	Табиий тошдан ясалган меъморий ва қурилиш маҳсулотлари. Техник шартлар.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 майдаги “Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-4335-сонли қарорининг 6-илоvasи “2021 йилнинг 31 декабрига қадар давлат томо-

нидан қўллаб-қувватлаш орқали қабул қилинадиган қурилиш материаллари соҳасидаги халқаро стандартлар рўйхати”га мувофиқ 2019 йилда 340 та, 2020 йилда 542 та халқаро стандартлар қабул қилинди, 2021 йилда яна 505 та халқаро стандарт қабул қилиш режалаштирилган.



4.2 Мувофиқлик сертификати ва уни online тарзда расмийлаштириш



Жараён оддий ва унда инсон омили иштироки камайтирилган. Гранит плиткालари учун мувофиқлик сертификатини масофадан туриб олиш мумкин. Бунда Сиз **singlewindow.uz** электрон платформасига кирасиз, **ариза тақдим этиш** тугмачасини босган ҳолда ўз маълумотларингизни киритасиз.

Аризангиз кўриб чиқиладиган ҳамда **3 иш куни** ичида тегишли мутахассислар келиб Сиз ишлаб чиқараётган гранит

плиткаларидан наъмуналар олади. Маҳсулотни тегишли тартибда лаборатория синовларида текширади, стандарт талабларга жавоб берган тақдирда Сизга мувофиқлик сертификати берилади.



4.3 Ўлчов воситалари ва уларни қиёслов кўриги



Гранит плиткалари ишлаб чиқаришда турли хил ўлчов воситаларидан, хусусан узунлик ўлчов инструменти, чегаравий ясси узунлик ўлчовлари, штангенциркул каби ўлчов воситаларидан фойдаланилади.

Ушбу ўлчов воситалари гранит плиткалари сифати, стандарт талабларда белгиланган геометрик ўлчамлардан, оғирликлардан четга чиқмаганлиги каби муҳим факторларни доимий назорат

қилиш учун зарур ҳисобланади.

Ушбу ўлчов воситалари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 30 июлдаги «Метрология текширувидан ўтказилиши лозим бўлган ўлчов воситалари туркумларининг рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида» ги **3174-сон буйруғига** асосан **Миллий метрология институти томонидан қиёслов кўригидан ўтказилади.**

V. САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ



29%



Гранитдан тайёрланган плиткаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлари	Ўлчов бирлиги	Материалларнинг номи	
		Гранитдан тайёрланган плитка	Керамик плитка
Ишлаб чиқаришдаги электр-энергия сарфи	Квт/соат	112,0	10,5
1 м ² га плитка ишлаб чиқаришдаги меҳнат сарфи	Соат/м ²	1,2	1,95
1 м ² га плитканинг ўртача нархи	Сўм	340 000-600 000	40 000-70 000





VI. ЭКОЛОГИК МЕЪЁРЛАР ВА АТРОФ МУҲИТГА ТАЪСИРИ



6.1 Экологик меъёрлар ва тартибга солувчи ҳужжатлар



Экология – тирик жонзотларнинг яшаш шароити ва уларнинг ўзлари яшаб турган муҳит билан ўзаро мураккаб муносабатлари ва шу асосда туғилган қонуниятларни ўрганади, инсоннинг табиат билан ўзаро таъсирини энг мақбул тарзда ишлаб чиқаради. Экологик назорат атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимидир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилдаги 9 декабрдаги **«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»**ги ҳамда 1996 йил 27 декабрдаги **«Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»** Қонунлари табиий муҳит шароитларини сақлашнинг, табиий ресурслардан

оқилона фойдаланишнинг ҳукукий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаб беради. Қонуннинг мақсади инсон ва табиат ўртасидаги муносабатлар уйғун мувозанатда ривожланишини, экология тизимлари, табиат комплекслари ва айрим объектлар муҳофаза қилинишини таъминлашдан, фуқароларнинг қулай атроф муҳитга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сонли фармониға биноан:

- экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллардан, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- иқтисодиётни экологи-

ялаштириш, табиатдан фойдаланишнинг иқтисодий механизmlарини жорий қилиш, экологик жиҳатдан энг кам хавф туғдирувчи материаллар, маҳсулотлардан, ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектлардан устувор даражада фойдаланиш;

- янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самардорлиги **99,5 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўғри қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш;

- амалдаги ишлаб чиқариш қувватларининг атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи стационар манбаларида самардорлиги **95 фоиздан** паст бўлмаган чанг ва газларни тўғри қолувчи қурилмалар қўлланилишини таъминлаш каби топшириқларидан келиб чиқиб қурилиш материаллари саноатидаги мавжуд ишлаб чиқариш

корхоналари ва янгидан ташкил этиладиган корхоналарга ушбу талаблар белгиланган.

Инсоният ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, буни тасдиқлайдиган манбаалар ҳар қадамда учраб туради. Жаҳон кўламида жадал суръатлар билан кечаётган фан-техника инқилоби одамларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиш билан бирга у туғдирган экологик ўзгаришлар, ўз навбатида, инсониятга, уни ўз бағрида сақлаётган она табиатга асоратли таъсир кўрсатмоқда. Бизни ўраб турган табиатни чиндан ҳам она десак бўлади. Чунки у бутун борлиқни ҳаётбахш нафаси билан таъминлаб туради, тўйдиради, кийинтиради. Ана шундай марҳаматли табиатнинг озор топиши у билан бевосита одамзод ва жониворларни таҳликага солиб қўйиши мумкин. Азот оксидларининг чиқариб ташланиши криоген

техникада ва уй шароитида хлор-фтор-карбонатларнинг кенг қўламда қўлланилиши Ернинг озон қаватини сақлаш муаммосини кескинлаштириб юборади.

Ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, шунингдек табиатга антропоген (инсоннинг бевосита қатнашиши) таъсир этишнинг тобора кучайиши натижасида табиий омилларнинг ўзаро боғланиши маълум даражада мувозанатдан чиқмоқда, бу эса ер юзида ҳаётий жараён рисоладагидек кечишига хавф солмоқда. Шу боисдан табиий муҳитни асраш муаммолари кўп жиҳатдан экологик тадқиқотлар билан боғланади.

Табиий бойликлардан оқилон фойдаланишдан табиатда рўй берадиган жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ривожланиш қонуниятлари ҳақидаги билимлар катта аҳамиятга эга. Бусиз табиий жараёнларга баҳо бериш, уларни ҳисобга олиш, табиатга, табиат компонент-

ларига кўрсатилган ҳар қандай таъсирнинг келажақда қандай оқибатларга олиб келишини олдиндан билиш мумкин эмас. Инсон табиатдан фойдаланганда ва унга таъсир кўрсатаётганда билиши ва фаолиятида амал қилиш зарур бўлган, асосан, **5 қонуният** мавжуд:

1) Табиатдаги барча компонент ва элементлар ўзаро бир-бирлари билан боғланган, ўзаро таъсир этиб, муайян мувозанатда бўлиб, уйғунлик ҳосил қилган. Бирон компонент ёки элемент ўзгарса, бутун табиий комплексда ўзгариш рўй беради;

2) Табиатда тўхтовсиз модда ва энергиянинг айланма ҳаракати рўй бериб туради. Бу ҳаёт асоси;

3) Табиий жараёнларнинг ривожланишида муайян даврийликлар мавжуд (суткалик, йиллик, 12 йиллик, 33-35 йиллик ва кўп йиллик);

4) зоналик;

5) регионаллик.

6.2 Экологик ҳужжатларни расмийлаштириш



Экологик назорат объектлари қуйидагилардан иборат:

ер, ер ости бойликлари, сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавоси атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи табиий ва техноген манбалар атроф муҳит ифлосланишига ва табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган фаолият, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик.

Экологик назоратнинг турлари:

давлат экологик назорати;
идоравий экологик назорат;
ишлаб чиқариш экологик назорати;

жамоатчилик экологик назорати.

Ҳар қандай янги лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш корхонасини ташкил этилишида **экология йўналиши бўйича 5**

та норматив-ҳужжат ишлаб чиқиши мажбурий тарзда қонунчилигимиз билан мустаҳкамланиб қўйилган. Булар:

АМТА – атроф муҳитга таъсири аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ЭОА – экологик оқибатлар аризаси ҳақидаги ҳужжат;

ПДВ – атмосфера қатламига чиқариладиган ташламалар ҳақидаги норматив;

ПДС – ер қатламига чиқариладиган зарарли чиқинди оқавалар ҳақидаги норматив. Агар чиқинди сувлар канализация тармоғига уланса **КЭН** нормативи ишлаб чиқарилади ;

ПДО – ишлаб чиқариш корхонасининг фаолияти давомида ажраладиган саноат ва маиший чиқиндиларнинг ҳудудга ва атрофга жойлаштирилиши ҳақидаги норматив. Агар чиқиндилар экологик сертификатланган бўлса компенсацион тўловларга тортилмайди.

VII. МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ





7.1 Техника хавфсизлиги ва саноат санитария қоидалари



Ўзбекистон Республикасида хавфсиз ва қулай меҳнат шароитида ишлаш юзасидан фуқароларнинг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида (37-модда) мустаҳкамланиб қўйилган. Ушбу конституциявий кафолатни амалда рўёбга чиқарилишига қаратилган аниқ чора тадбирлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонунига, бошқа бир қатор қонунлар ва қонун ости норматив ҳужжатларида белгиланган.

Меҳнат муҳофазаси - инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган тадбирлар. Қонун ҳужжатларида меҳнат жараёнида қўлланиладиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техник, санитария-гигиена, даволаш-профилактика чора тадбирлари белгилаб қўйила-

ди. Меҳнат қилувчи шахс хавфсизлиги, саломатлиги, меҳнат қилиш қобилиятини ҳимоялаш, соғлом меҳнат шароитлари яратиш, касб касалликлари юз бериш хавфини олдини олиш, ишлаб чиқаришда жароҳатланишларга йўл қўймаслик кабилар меҳнат муҳофазаси олдидаги вазифалар ҳисобланади.

Меҳнат муҳофазасига оид талаблар ва стандартлар Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаблари асосида ишлаб чиқариладиган корхона ва ташкилотларнинг ички меҳнат тартиби қоидалари, жамоа шартномалари, тармоқ ёки минтақавий жамоа келишувлари, корхоналарнинг бошқа ички норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, муайян соҳа, касб, иш жойларига оид бўлган Меҳнат муҳофазаси стандартларида белгилаб қўйилади. Мулкчилик шакли ва хўжалик юритиш усулидан қатъий

назар барча корхона, муассаса, ташкилотлар ўз ходимлари учун соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиши, хавфсизлик техникаси чораларини кўриши, меҳнатни муҳофаза қилиш хизматларини ташкил этиши, бошқа ташкилий техник тадбирларни амалга ошириши шарт.

Меҳнатни муҳофаза қилиш — бу тегишли қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида амал қилувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш-профилактика тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Ходимларга техника хавфсизлиги, ишлаб чиқариш санитарияси, ёнғин чиқишдан сақланиш ва меҳнатни муҳофа-

за қилишнинг бошқа қоидалари ҳақида йўл-йўриқлар бериш ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳамма талабларига риоя этишларини доимий равишда текшириб бориш вазифаси иш берувчи зиммасига юклатилади.

Меҳнат муҳофазасида қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

жамоавий ҳимоя воситалари — тузилиши ёки вазифаси жиҳатидан ишлаб чиқариш биноси ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган, ходимларга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган техник воситалар ва бошқа воситалар;

зарарли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг касб касаллигига чалинишига

олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

иш ўрни — меҳнат фаолияти жараёнида ходимнинг доимий ёки вақтинчалик бўлиш жойи;

ишлаб чиқариш фаолияти — маҳсулот ишлаб чиқариш, хом ашёни қайта ишлаш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш чоғида амалга ошириладиган ҳаракатлар йиғиндиси;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса — ходимнинг иш берувчининг ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз меҳнат ва-зифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда, шу жумладан иш берувчи томонидан берилган транспортда иш жойига кел-ётган ёки ишдан қайтаётган вақтда меҳнатда майиб бўлишига ёки соғлигининг бошқача тарзда шикастланишига олиб келган ва ходимни бошқа ишга ўтказиш заруратига, у касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқоти-

шига ёхуд вафот этишига сабаб бўлган ҳодиса;

касб касаллиги — ходимнинг унга зарарли ишлаб чиқариш омили ёки хавфли ишлаб чиқариш омили таъсири натижасида юзага келган ва унинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёхуд турғун йўқотишига сабаб бўлган ўткир ёки сурункали касаллиги;

меҳнат шароитлари — меҳнатни амалга ошириш чоғидаги ижтимоий ва ишлаб чиқариш омиллари йиғиндиси;

меҳнатни муҳофаза қилиш — меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақла-нишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими;

меҳнатда майиб бўлиш —

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ходимнинг касбга оид меҳнат қобилиятини вақтинча ёки турғун йўқотиши;

ноқулай ишлаб чиқариш омиллари — зарарли ишлаб чиқариш омилининг ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омилининг мавжудлиги;

хавфли ишлаб чиқариш омили — таъсири ходимнинг шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш омили;

шахсий ҳимоя воситалари — ходимга зарарли ишлаб чиқариш омили ва (ёки) хавфли ишлаб чиқариш омили таъсирининг олдини олиш ёки уни камайтириш, шунингдек ифлосланишлардан ҳимояланиш учун фойдаланиладиган техник воситалар ва бошқа воситалар.

Гранитдан тайёрланган плиталар ишлаб чиқаришнинг асосий технологик босқичларида ишлашда хавфсизлик қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур.



**VIII. ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ
ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИ ОРҚАЛИ ДАВЛАТ
РЀЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ**



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги 312-сонли “Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимизда 2014 йилнинг 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини Интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми жорий этилди.

Унга кўра, электрон рўйхатдан ўтказиш таъсис ҳужжатларини масофадан туриб ва интерактив расмийлаштириш йўли билан намунавий шакллар асосида тайёрлаш имконияти бўлган Ўзбекистон Республикаси интерактив давлат хизматлари ягона портали орқали амалга оширилади. Электрон рўйхатдан ўтказишда зарур ҳужжатларни илова қилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш учун ариза бериш, шунингдек рўйхатдан ўтказилган

таъсис ҳужжатларини ва тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бериш электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ МЕХАНИЗМИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» ги ПҚ-2646-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш” тартиби тўғрисидаги Низом асосида амалга оширилади.

IX. ЯНГИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ



Бугунги кунда банклар томонидан тадбиркорларликни ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилган бўлиб, молиялаштириш дастурлари доирасида банклар томонидан турли хилдаги кредитлар таклиф этилмоқда.

Кредитларининг турлари бизнесни ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган исталган масалаларни ҳал қилишга имкон беради.

Кредит тақдим этиш тўғрисидаги қарор қабул қилишда банк мижознинг ҳақиқий ҳолати тўғрисидаги маълумотларга асосланади. Бунда эътибор расмий кўрсаткичларга эмас, балки молиялаштириш назарда тутилган бизнеснинг ривожла-

ниш истиқболларига қаратилади.

КРЕДИТ ОЛИШ УЧУН КЕРАКЛИ ҲУЖЖАТЛАР:

- кредит олиш учун ариза (кредит муддати, фоизи, мақсади кўрсатилган ҳолда);

- бизнес-режа (маҳсулот турлари, ишлаб чиқариш технологиялари, сотиб олинadиган ёки ижарага олинadиган асбоб ускуналар рўйхати, хом ашё заҳиралари, маҳсулотга бўлган талаб, ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсатилади);

- корхона ташкил қилинганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (гувоҳнома, Устав);

- таъминот ҳужжатлари (гаровга қўйиладиган кўчма ва кўчмас мулк, кафиллик).

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мелехова Н.И. Қурилиш материалларининг физик-кимёвий ва технологик асослари: монография. Тула: ТулГУ, 2011.
2. Козыренко Е.И. Қурилиш материаллари саноати корхоналарининг барқарор ривожланишини бошқариш. / Е.И.Козыренко // Вестник АГТУ. Серия: Экономика. -2010.
3. Андреев В.С. Кафел, гранит, тош, ва бошқа табиий ва сунъий материаллар. В.С.Андреев, А.Б.Преображенский. -М.: ООО ИКТЦ «ЛАДА», 2011.
4. Савченкова Т.В. Қурилиш материаллари: ўқув-услубий қўлланма. Т.В.Савченкова. - Томск: ТГАСУ, 2010.
5. Антипин В.С., Горегляд А.В., Савина Е.А., Митичкин М.А. Гранитлар эволюцияси. Геология ва геофизика. 1997.
6. Жариков В.А. Гранит ҳосил қилиш муаммолари. // Вестник МГУ. Геология. 1987.
7. Сатторов З.М. Экология. – Т.:Sano-standart, 2018. – 362 б.
8. Сатторов З.М. Қурилиш экологияси. – Т.:Sano-standart, 2017. – 364 б.



“ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК” АТБ

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри.
Шаҳрисабз кўчаси 3-уй.

Мўлжал: “Ўзбекистон почтаси”,
“Ucell” бош офиси.

Алоқа учун: + 998 (78) 120-35-94

E-mail: info@uzpsb.uz

Сайт: sqb.uz

“ЎЗҚУРИЛИШМАТЕРИАЛЛИТИ” МЧЖ ИЛМИЙ- ТАДҚИҚОТ ВА ИНЖИНИРИНГ МАРКАЗИ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Тафаккур кўчаси,
68-А уй.

Мўлжал: Дўстлик боғи,
“Ичан қалъа” меҳмонхонаси

Алоқа учун: (71) 254-92-01

E-mail: info@uzqmliti.uz

Сайт: uzqmliti.uz

[illegible]

[illegible]

[illegible]

[illegible]



**Гранитдан пардозбop плиткалар ишлаб
чиқариш бўйича амалий услубий қўлланма**

Компьютерда тайёрловчилар:
Эрматов Ф., Алимжонов С.

Дизайнер:
Эрматов Ф.